



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 46 (12.607)

Баҳоси эркин нарҳда

Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университетида талабаларнинг таълим олиш билан бирга илмий тадқиқот ишлари билан шуғулланиши учун ҳам барча шароитлар яратилган. Олий ўқув юртининг замонавий жиҳозлар ва ўқув қўлланмалари билан мунтазам янгиланиб бораётган бой моддий-техник базаси бунга имкон беради.



ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

ИЛМ ВА ТАЪЛИМ УЙЎНЛИГИ

Президентимизнинг 2011 йил 20 майда қабул қилинган «Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори маълумиёт мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ университетнинг энергетика факультети биноси, аудиториялар, лабораториялар таъмирланиб, «Электр энергияси истеъмолини назорат қилиш ва ҳисобга олишининг автоматлаштирилган тизими» лабораторияси очилди. Бу ерда талабалар замонавий стендлар ёрдамида электр энергиясини ҳисоблаш, сарфлаш ва истеъмол қилиш тизимини ўрганмоқда. Бундан ташқари, умумий қуввати 8 кВт дан ортиқ бўлган қуёш ва шамолдан энергия оладиган замона-

вий қурилмалар билан жиҳозланган «Энергияни тежаш ва қайта тикланувчи энергия манбалари» лабораторияси ташкил этилди.

Ҳар қандай ёш олим учун ўз ишланмасини ишлаб чиқаришга жорий этиш муҳим аҳамиятга эга. Қурилмаси тажрибадан ўтказилаётган Шарофиддин Мардонақулов бундай дейди:

— Мен йирик саноат механизмлари ва мосламаларига қизиқаман. Яқинда ўзим ихтиро қилган шахтали-қайтарувчи газ печига патент олдим. Ушбу печдан алюминий, мис ва магний қотишмасини олишда фойдаланиш мумкин.

Университет талабалари ва ёш олимлари «Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси, «Ўзтрансгаз» акциядорлик компанияси каби

йирик саноат корхоналари ва компаниялари буюртмаси бўйича 200 дан зиёд инновацион ишланмаларда иштирок этмоқда.

2012-2014 йилларда университет ўқитувчилари ва талабалари томонидан ихтироларга 70 патент, дастурий маҳсулотларнинг рўйхатга олингани тўғрисида 48 гувоҳнома олинди, шунингдек, илмий-тадқиқот лойиҳаларини амалга ошириш доирасида яратилган ихтиро ва ишланмалар учун 100 дан зиёд ариза берилди.

Аскар ЁҚУБОВ,

ЎЗА мухбири

СУРАТДА: Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университети энергетика факультети талабалари.

Муаллиф олган сурат

Ўзбекистон — хорижликлар нигоҳида

БАЙРАМЛАР ЯРАШГАН ЮРТ

Юртимиз байрамлар оғушида. Шаҳар ва қишлоқларимизда 8 март — Халқаро хотин-қизлар кунини ва Наврўз айёми олдида кенг кўламли ободонлаштириш-қўқаламзорлаштириш ишлари амалга оширилмоқда. Ҳар бир юртдошимиз ўз уйи, маҳалласи, иш жойини обод этиш, яхши ниятлар билан кўчат ўтқазиш ишларига киришган. Халқимизга хос бундай анъана ва қадриятлар мамлакатимизга ташриф буюрган хорижлик меҳмонларнинг ҳайрату ҳавасига сабаб бўлмоқда.

Яқинлашиб келаётган байрамлар олдида ЎЗА мухбири Ўзбекистонга, жумладан, Самарқандга ташриф буюрган чет эллик сайёҳларнинг фикрлари билан қизиқди.

Массимилиано БРУНИ (Италия):

— Ўзбекистонда бир неча йил олдин ҳам бўлган эдим. Ўзбек фаслида юртингиз янада кўркамлашибди. Айниқса, ёқимли об-ҳавоси, озода кўчалари менга жуда ёқди. Тарихий ёдгорликлар архитектураси, улардаги мафтунок нақш ва рангларнинг ўзига хослиги ҳар қандай одамни ҳайратга солади. Турфа рангларда яратилган бундай муъжизалар кўнглига ажиб бир ёруғлик, ўзгача илиқлик олиб қиради. Қасбим ўқитувчи бўлсада, турли нақшлар, улардаги ранглар уйғунлигига жуда қизиқаман. Самарқанддаги обидаларда ноанъанавий услубда ишланган нақшлар ва ўймакорлик намуналари кўп. Уларни суратга олиш, ўрганиш ва бевосита кўриш менга завқ бермоқда.

Мухаммад Абдулҳамид ҲАММАМ (Миср):

— Рўйи замин сайқали сифатида жаҳонга машҳур Самарқанд ҳақида китобларда кўп ўқиган эдим. Аммо уни кўриш ва томоша қилиш бошқача экан. Гўё эртақлар оламига тушиб қолгандекман. Бу сайёҳат давомида менда Ўзбекистон, жумладан, Самарқанд тарихини чуқурроқ ўрганишга қизиқиш янада кучайди. Амир Темурнинг шавкатли тарихи, сийбати, унинг ақлу фаросатда тенги йўқ аёли Бибихоним, шунингдек, Имом Бухорийнинг фаолияти ҳақида бири-бирдан қизиқ ва аjoyиб ривоятлар менда улар ҳақида янада кўпроқ маълумот олишга иштиёқ уйғотди. Бу юрт одамлари ҳам бошқача, уларнинг нигоҳида нур, юзида самимият бор. Шунинг учун бу ерга албатта яна келишни дилимга тугиб қўйдим.

Канг ВОО ЖУНГ (Жанубий Корея):

— Бир неча кундан буён Ўзбекистонда бўлиб, юртингизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик, ободончилик ишларига гувоҳ бўлялман. Айниқса, баҳорда нишонланадиган байрамларга қўрилаётган тайёргарликка ҳавасим келди. Фурсатдан фойдаланиб, бутун Ўзбекистон халқини ушбу шодиёналар билан табриқлайман. Юртингиз баҳорда жуда мафтунок бўлади, деб эшитгандим. Бунга амин бўлялман. Айниқса, мусаффо табиат, самимий одамлар менда катта таассурот қолдирди.

Ғолиб ҲАСАНОВ
ёзиб олди.

САЙТАМАДА ЎЗБЕКИСТОН КЕЧАСИ

Япониянинг Сайтама префектурасида жойлашган Мисато шаҳрида Ўзбекистон маданияти, санъати ва сайёҳлик салоҳиятига бағишланган тақдирот кечаси бўлиб ўтди.

Унда халқимизнинг анъанавий миллий либослари, амалий санъат маҳсулотлари намуналари билан бирга ўзбек миллий ашула ва рақсларидан ташкил топган маданий дастур ҳам намойиш этилди. Тадбирда Мисато шаҳри мэрияси, Сайтама префектурасининг Халқаро дўстлик ассоциацияси, Мисато халқаро маркази ва бошқа жамоат ташкилотларининг вакиллари иштирок этдилар.

Сайтама префектураси жамоатчилигини халқимизнинг кўҳна, бой ва ўзига хос маданияти ҳамда улкан сайёҳлик имкониятлари билан яқиндан таништирган ушбу тақдирот кечаси Мисато шаҳри маданий ҳаётидаги муҳим воқеалардан бири бўлди. Бунини мазкур тақдиротда қатнашган айрим меҳмонларнинг «Жаҳон» ахборот агентлиги мухбирига маълум қилган фикр-мулоҳазаларидан ҳам билиш мумкин.

Йошиҳаро Сайто, Мисато шаҳар мэрияси Жамоатчилик билан ишлаш департаментининг бошлиғи:

— Бўлиб ўтган тақдирот маросими бизларни мамлакатингизнинг ноёб маданий-тарихий мероси билан яқиндан таништирди. У япон ва ўзбек халқларининг анъаналаридаги ўзаро уйғунлиқни ҳам намойиш этди. Ўзбек хунарманд усталари ясаган халқ амалий санъати намуналари кўргазма иштирокчиларининг алоҳида

этиборини қозонди. Шу боис уларнинг кўпчилиги яқин вақт ичида Ўзбекистонга боришга қарор қилишганини билдиришди.

Маълумки, Иккинчи жаҳон уруши тугагандан кейин қуролсизлантирилган японлар Алишер Навоий номидаги Давлат академик катта театри қурилишида қатнашган. Улар ўзбек халқининг илиқ қалби тафтидан ва самимиятидан баҳраманд бўлишганига тарих шохид. Биз ўзбекистонликларнинг ватандошларимизга кўрсатган эътиборини, Ўзбекистон тупроғига дафн этилган японлар хотирасига бўлган ҳурматини юксак қадрлаймиз.

Мочизуки Масаоки, Халқаро маданий алмашувлар ассоциациясининг раиси:

— Минг йиллар мобайнида шаклланган, ўзига хос бўлган ўзбек маданияти дунё цивилизацияси тараққиётига улкан ҳисса қўшган. Кўпгина японияликларда Ўзбекистонга нисбатан катта қизиқиш ва муҳаббат бор. Мамлакатларимиз ўртасидаги маданий-гуманитар алоқалар янада чуқурлашишига умид қилар эканман, жозибадор ўлкангиз обрў-эътиборининг Японияда янада мустаҳкамлашиши юзасидан ўз сайёҳ-ҳаракатларини сира аямайман.

«Жаҳон» АА
Токио

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида оммавий ахборот воситалари, нашриёт ва матбаа корхоналари фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришга бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг бош директори О.Юнусов, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Ш.Ғуломов, Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликлари-ни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди директори А.Абдуллаев ва бошқалар Президентимиз Исроҳ Каримов раҳнаомлигида амалга оширилаётган ислохотлар жамиятимизнинг барча жабҳалари қатори оммавий ахборот воситалари, ноширлик ва матбаа соҳасини ҳам изчил ривожлантириш, тизимда замонавий технологиялардан фойдаланиш қўламини кенгайтиришда муҳим омил бўлаётганини таъкидлади.

Мамлакатимизда оммавий ахборот воситаларининг эркин, самарали фаолият кўрсатиши учун мустаҳ-

НОШИРЛИК ВА МАТБАА СОҲАСИ ИСТИҚБОЛЛАРИ

кам ҳуқуқий асослар яратилган. Истиқлол йилларида мамлакатимизда оммавий ахборот воситалари сони қарийб тўрт баробар ошди.

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида миллий журналистикани замонавий асосда раванқ топтириш юзасидан муҳим вазифалар белгиланган. Унга кўра оммавий ахборот воситаларининг иқтисодий асослари, уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш,

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклигини таъминлаш, телерадиоэшиттиришларга оид миллий қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан тегишли ишлар амалга оширилмоқда.

Ноширлик ва матбаа соҳасини изчил ривожлантиришнинг ҳам ўзига хос тизими шакллантирилган. Бугунги кунда мамлакатимизда юздан зиёд нашриёт, бир минг етти юз элликта матбаа корхонаси хизмат кўрсатмоқда.

Президентимизнинг 2011 йил 30 декабрда қабул қилинган «Оммавий

ахборот воситаларини янада ривожлантириш учун қўшимча солиқ имтиёзлари ва афзалликлар бериш тўғрисида»ги Қарори нашриётлар, полиграфия корхоналари ва матбаа тарқатувчи ташкилотларни ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш, уларнинг мустақиллигини таъминлаш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари устидан жамоат назоратини ўрнатишда янги имкониятлар очмоқда.

Тадбирда оммавий ахборот воситалари, ноширлик ва матбаа соҳасини ривожлантириш, соҳада замонавий технологияларни кенг қўллаш, жамиятда очиклиқни таъминлашда ахборот хизматлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ҳамкорлигини мустаҳкамлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Журналистларни қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб қайтарилди.

Б.ХИДИРОВА,
ЎЗА мухбири



МАМЛАКАТИМИЗДА

• Тошкент вилоятининг Қибрай туманида бўлиб ўтган давра суҳбатида Президентимиз томонидан шу йил 6 февралда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорнинг мазмун-моҳияти, ёшлар фаоллигини янада ошириш, уларни тадбиркорликка кенг жалб этиш, истеъдод ва салоҳиятини юзага чиқаришга кўмаклашиш хусусида сўз юритилди.

• Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институтида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари кўмитаси томонидан «Минтақада тинчлик ва хавфсизликни таъминлашда Ўзбекистон Республикасининг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти билан ҳамкорлиги» мавзусида семинар ўтказилди.

• Андижонда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари кўмитаси, вилоят табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси ва Экоҳаракатнинг вилоят ҳудудий бўлими ҳамкорлигида семинар ўтказилди.

• Қорақалпоғистон Республикасида 8 март — Халқаро хотин-қизлар байрами арафасида «Соғлом бола йили» Давлат дастури ижроси доирасида «Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!» шиори остида саломатлик ҳафталиги ўтказилмоқда.

• Жиззахда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш кўмитаси ва вилоят ҳокимлиги ҳамкорлигида ўтказилган инновацион гоёлар, технологиялар ва лойиҳалар ҳудудий ярмаркасида 50 дан ортиқ илмий-тадқиқот, олий таълим ва тажриба-конструкторлик ташкилотларининг юздан зиёд технология ва ишланмалари намойиш этилди.

ЖАҲОНДА

• Янги ўқув йилидан бошлаб Мексикадаги барча мактабларда шахмат дарслари мажбурий дастур асосида ўтилади. «Chess in schools» («Мактабда шахмат») дастури мамлакатдаги барча 200 мингта таълим муассасасини қамраб олади. Бу иш ФИДЕ ташаббуси билан амалга оширилмоқда. Халқаро шахмат уюшмаси томонидан айти пайтда «ақл гимнастикаси» ҳисобланмиш бу спорт турини янада оммалаштириш юзасидан бутун дунёда жуда катта ишлар олиб борилмоқда. Шахматни таълим ва маданият белгиси сифатида ЮНЕСКО дастурига қиритиш бўйича ҳам ишлар бошланган.

• Австралиянинг энг йирик авиакомпанияси ҳисобланмиш «Qantas» ўтган йилнинг иккинчи ярмида 212 миллион доллар миқдорида зиён кўрганлиги боис, беш минг нафар ходимини ишдан бўшатишни режалаштирди. Бундан ташқари, ушбу авиакомпания авиапаркидаги самолётлар сони 50 дан зиёдроққа қисқартирилиб, даромад келтирмаётган йўналишлар бекор қилинади.

• Бразилиядаги Амазонияни ўрганиш билан шуғулланадиган Эмилио Голдди музейи тадқиқот институти яқинда Амазонка ўрмонларида илгари фанга номаълум бўлган жонивор ва ўсимликларнинг бир йўла 155 та янги тури аниқланганини маълум қилди. Янги топилган жониворлар орасида ўргимчаксимонлар, балиқлар, паррандалар ва судралувчилар кўпчилиқни ташкил этади. Кичикроқ маймун хайвонлар ичидаги ягона сут эмизувчилар тоифасидан.

8 март — Халқаро хотин-қизлар куни

ИСТИҚЛОЛ ФАРЗАНДЛАРИ

Камолитдин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти «Дастгоҳли ва китоб графикаси» мутахассислигининг иккинчи курс магистри Чарос Пайзиева 2013-2014 ўқув йили учун таъсис этилган Президент стипендияси соҳиби бўлди.

Чарос ўқишда юқори рейтинг натижаларига эришиш билан бирга, Халқаро ҳамда Республика миқёсида рассомчилик соҳаси бўйича ўтказилаётган кўриқ-танловлар, кўргазмалар ва маданий-маърифий тадбирларда фаол қатнашиб келмоқда. Айни пайтда «Тарих саҳнасида аёл сиймоси, амалий ва назарий таҳлили» мавзусида илмий изланишлар олиб бормоқда.

Истиқлол тенгдоши Чарос Пайзиева 1991 йилда Олмасор туманидаги Бегуний маҳалласида зийлилар оиласида туғилган. У болалигидан Республика бўла-болла ижодий марказида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси, рассом Ҳикмат Жалилов раҳбарлигида тасвирий санъат студиясида санъат сирларини ўрганган. Бир неча бор танловларда ғолибликни қўлга киритган.

Жумладан, 2000 йилда Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар кўмитаси билан БМТнинг мамлакатимизда фаолият юритаётган ЮНИСЕФ болалар жамғармаси томонидан ўтказилган танловда «Она ва бола, гул ва лола» расми учун биринчи ўрин ва ЮНИСЕФ раисининг махсус совринини қўлга киритган. Айнан шу йилда Италия мамлакатига ташкил этилган кўргазмага йўлланма олган.

2000 йилда «Оролни асранг» расми учун Халқаро «Экосан» хайрия жамғармаси ва «Темуррийлар сулоласи» расмлари учун Халқаро Амир Темур жамғармасининг махсус совринини қўлга киритган.

2001 йилда Италиянинг Парма шаҳрида, Жованни номли халқаро болалар фестивалига «Бешикдаги гўдак» асарини тақдим этди. 2002 йилда Туркияда ўтказилган болалар санъат кўргазмасида қатнашди.

2003 йилда Япония, Туркия, Ҳиндистон, Италия, Германия, Миср, Чехия, Қозғистон мамлакатларида болалар санъати Халқаро кўргазма танловларида ўзининг расмлари билан муваффақиятли иштирок этди.

2004 йилнинг март ойида ун уч ёшида Ўзбекистон Бадий академиясининг кўргазмалар залида унинг илк шахсий кўргазмаси бўлиб ўтди. Кўргазмада ёшгина қизалоқ ўзининг юздан ортиқ расмларини томошабинлар эътиборига ҳавола этди.

2005 йилда Ҳиндистонда бўлиб ўтган «Шанкар-2005» номли Халқаро кўргазманинг ғолиби бўлган. 2006 йилда «Ўзбекистон — Россия абадий дўстлик» кўргазма танловида учинчи даражали диплом ҳамда шу йили «Мустақил Ва-

танам, навқирон ёшинг муборак» номли Республика кўриқ-танловида «Насриддин Афанди» миниатюра асари учун Гран-прига сазовор бўлган.

2007 йилда «Истиқлол берган бахт» номли ёш ижодкорларнинг кўргазма танловида биринчи ўринни эгаллади. Чарос Пайзиева 2008 йилда шахримиздаги 249-мактабни аъло бахрларга битириб, Камолитдин Бехзод номидаги миллий рассомлик ва дизайн институтининг «Тасвирий санъат» факультети хаттотлик ва миниатюра бўлимига ўқишга қабул қилинди.

2009 йилда «Тасвирий санъат ҳафталиги — 2009»да «Энг яхши миниатюра асари» номинацияси бўйича диплом билан тақдирланган.

2010 йили Навоий номидаги Давлат стипендияси соҳиби бўлди.

— Президентимизнинг қўллаб-қувватлашлари боис бугунги кун ёшларига барча соҳаларда имкониятлар эшиги кенг очиб берилмоқда, — дейди биз билан суҳбатда Чарос Пайзиева. — Бундай муваффақиятларга эришишимизда устозларимнинг хизматлари бе-ниҳоя каттадир. Мен шу нарсасига амин бўлдимки, қачон инсон изланса, интилас, ўз устида тинмай ишласа ва келажака ишонч кўзи билан боқса ўйлаган ва орзу қилган барча ниятларига эришади. Зеро, давлатимиз томонидан юртимиз ёшларига яратиб берилган шарт-шароитларни бошқа ҳеч бир мамлакатда учратмайсиз. Шаҳсан мен билим, иқтисодий салоҳиятга тенгдошларим нигоҳида келажаги буюк давлатимизнинг порлоқ истиқболини кўраман. Шу жаннатмакон юрда туғилиб ўсганим учун шукроналар келтираман. Бор иқтидоримни мамлакатимиз равақига, тараққиёти йўлида сарф қилишни истайман. Фурсатдан фойдаланиб, мунис онажонларимизни, описингилларимизни 8 март — Халқаро хотин-қизлар байрами билан чин кўнгилдан табриклайман. Оилавий бахт, саодат, саломатлик, ишларига унум ва барака тилайман.

Ха, бу азиз ва муқаддас юрт равнақи йўлида ҳар қандай эзгу иш қилса арзийди. Чунки ёшларимиз камолоти йўлидаги барча ишлар негизида уларнинг бахтли, фаровон ҳаёти ва порлоқ келажаги мужассамдир. Давлатимиз томонидан яратилаётган имкониятлардан унумли фойдаланишга ҳаракат қилаётган Чарос Пайзиеванинг бугунги кундаги ютуқлари ўз меҳнати шарафига келган юксак мукофотдир.

Гулчеҳра ДҲРДИЕВА



Кеча Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан Тошкент шаҳар ва туман ҳокимликлари бирлашган қасаба уюшмаси кўмитаси томонидан. Тошкент шаҳар ҳокимлиги тизимида Ватан равнақи ва юрт фаровонлиги йўлида кўп йиллардан бери фидокорона меҳнат қилаётган бир гуруҳ хотин-қизларни тақдирлашга бағишланган тадбир ўтказилди.

Тадбирни шаҳар ҳокими ўринбосари, Хотин-қизлар кўмитаси раиси Ф. Абдураҳимова кириш сўзи билан очар экан, барча йирилганларни бахорнинг илк кунларида нишонланадиган хотин-қизлар байрами ҳамда яқинлашиб келаётган Наврўзи айём билан муборакбод этиб, пойтахтни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш, ёшларнинг тиббий ва ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, маънавиятини юксалтириш каби муҳим ислохотларни амалга оширишда хотин-қизларнинг ўзига хос ўрни, ҳиссаси борлигини алоҳида таъкидлади.

Сўнгги маълумотларга кўра, бугунги кунда Ўзбекистон аҳолисининг 51,4 фоизини хотин-қизлар ташкил қилишини ҳисобга олсак, аёлларнинг мамлакат ривожидида қанчалар салмоқли улуши борлигини англашимиз мумкин. Аёл она, аёл

АЁЛЛАРИ ЭЪЗОЗЛАНГАН ЮРТ

раҳбар, аёл шоира, аёл сиёсатчи, аёл ҳунарманд, аёл тадбиркор, аёл спорт устаси, аёл турли касблар эгаси... Ушбу рўйхатни узоқ давом эттириш мумкин. Демак хотин-қизларимиз оилада жисмонан соғлом, ақлан етук ва маънавий бой фарзандларни воёга етказиш, ишлаётган ташкилотларида ижтимоий фаол бўлиб, бор қучларини, салоҳиятларини, истеъдодларини ишга солиб, беминнат хизмат қилиш орқали жамият ривожига улкан ҳисса қўшиб келмоқдалар.

Тадбирда Тошкент шаҳри ва туманларида ҳокимлик тизимидаги бошқарма ва ташкилотларда сидқидилдан меҳнат қилиб келаётган, ўз вазифасига масъулият билан ёндашадиган,

фаол хотин-қизларга Тошкент шаҳар ва туман ҳокимликлари бирлашган қасаба уюшмаси кўмитасининг фахрий ёрлиғи ва эсдалик совғалари топширилди.

— Мен аёллари улуғланадиган, эъзозланадиган юрда яшаётганимдан беҳад шодман, — дейди Сергели тумани ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Дилором Раҳимджанова. — Оддийгина эътибор, рағбат инсоннинг янада шижоат, катта масъулият билан фаолият юритишига туртки бўлиб хизмат қилади. Менга билдираётган бу ишончнинг оқлаши чин дилдан ҳаракат қиламан.

Шаҳнозахон
ҚУДРАТХҲАЕВА

СИЗ ДОИМО ҚАЛБИМИЗДАСИЗ

Айни кунларда шахримизнинг барча гўшаларида 8 март — Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан байрам тадбирлари, учрашувлар, турли мусобақа ва танловлар ўтказилмоқда.

Чилонзор туман хотин-қизлар кўмитаси томонидан уюштирилган «Ҳамиша эъзоздасиз» деб номланган байрам тадбири Тошкент Давлат оперетта мусикали-комедия театрида бўлиб ўтди.

Тадбирда тумандаги фахрий онахонлар, ижтимоий соҳаларда ўз меҳнатлари билан алоҳида нуфузга эга бўлган аёллар, изланувчан ва интилувчан етакчи қизлар иштирок этишди.

Чилонзор тумани ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Муҳайё Саидқиромова аёлларга давлатимиз томонидан кўрсатилаётган улкан эътибор, яратилаётган шарт-шароитлар ва хотин-қизларнинг қўлга киритаётган ютуқлари ҳақида сўзлаш баробарида, мунис ва меҳрибон аёллар, гулгунчелар лобар қизларни байрам билан табриклади.

— Баҳор фасли кутлуг байрамларини ҳам бошлаб беради, — дейди «Оила маркази» туман бўлими раҳбари Холида Йўлдошева. — Хотин-қизлар

байрами аёлларнинг қалбига бир олам қувонч бағишласа, мукаррам Наврўзи олам барча инсонларнинг дилига шукроналик, эзгулик туйғусини сингдиради. Илоҳим юртимиз тинч, дастурхонимиз тўкин, ёшларимиз бахтли-саодатли бўлишсин, ҳар бир кунимиз Наврўз бўлсин...

Байрам тантаналари давомида юртимиз равнақи йўлида узоқ йиллар самарали меҳнат қилган аёллар, фахрий онахонлар, жумладан, туман миқёсида ўтказилган «Замонавий либослар» кўриқ-танлови ғолиблари туман ҳокимлиги томонидан фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Куй ва қўшиқларга, дилбар рақсларга, турли сахна кўринишларига йўрилган ҳолда ўтган тадбир барча иштирокчиларда байрамона ҳушқайфият бахш этди.

Ҳабиба ЙЎЛДОШЕВА

Жюлиан ДЕМУЛЕН, сайёҳ (Франция):

— Саёҳатим давомида Ўзбекистоннинг кўплаб шаҳарларида бўлдим. Тўйда иштирок этдим. Бетақдор урф-одатларга бой бу тўй хотирамда бир умр сақланиб қолади.

Тошкент кўчаларида сайр қилиб юганимда ҳарбий либос кийган хотин-қизларга кўзим тушди. Бу мамлакатнинг аёллари барча соҳаларда фаол эканлигини, уларнинг орзу-интилишлари қўллаб-қувватланаётганидан далолат беради. Илгари мен Шарқ аёллари фақат уй юмушлари ва бола тарбияси билан банд, деб ўйлардим. Ўзбекистонга келиб, бу борадаги фикрларим тавоман ўзгарди. Юртингиз хотин-қизлари ўзлари саман қасб-хунарларни эгаллаб, жамият ривожига муносиб ҳисса қўшаётганига ғувоҳ бўлдим.

Моника ГУЗМАН, бадий гимнастика бўйича мураббий (Мексика):

— Ўзбекистонлик ҳамкасбларимиз билан суҳбатлашганимизда 8 март юртингизда хотин-қизлар куни сифатида кенг нишонланишини айтишган эди. Менинг эътиборимни тортгани, бу кун эркаклар оила бекаларига совғалар улашар экан.

Ўзбекистонда хотин-қизларни спортга кенг жалб этиш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш борасида амалга оширилаётган ишларга ҳавасим келди. Юртингизда бадий гимнастика жадал ривожланмоқда. Бу хотин-қизларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, уларнинг турмуш даражасини юксалтиришга бўлган эътиборнинг ёрқин ифодасидир.

Ирода УМАРОВА,
Нодира МАНЗУРОВА
ёзиб олди

ДОИМИЙ КОМИССИЯ ЙИҒИЛИШИ

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислохотни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссиясининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга қўмақлашувчи шаҳар Ишчи гуруҳи ҳамкорлигидаги навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни-нинг ижроси юзасидан туманни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ҳамда иқтисодиётни ислох қилиш ва эркинлаштириш жараёنларини чуқурлаштириш юзасидан устувор вазифаларни амалга ошириш бўйича Шайхонтоҳур, Сергели ва Юнусобод туманлари ҳокимликлари-нинг фаолияти кўриб чиқилди.

Унда туман ҳокимликларида иқтисодиётни ислох қилишнинг устувор йўналишлари, муҳим мақсадли комплекс дастурлар ижросини фаол-лар йиғилишида танқидий муҳокама қилиш, ислохотлар жараёнига тўқинлик қилаётган сабабларни чуқур таҳлил қилиб, устувор вазифаларнинг тўлиқ бажарилишини таъминлаш бора-сида амалий чора-тадбирлар ишлаб чиқиш бел-гиланди.

Шунингдек, иқтисодиётда таркибий ўзгарти-ришлар ва диверсификациялашни чуқурлашти-риш, янги юқори технологияли ишлаб чиқариш-ларни жадал ривожлантиришни таъминлаш, мав-жуд қувватларни модернизациялаш ҳамда тех-нологик жиҳатдан янгилаш жараёнларини жадал-лаштириш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ри-вожлантириш дастурларига киритилган инве-стиция лойиҳаларининг амалга оширилиши уст-идан таъсирчан мониторинг ўрнатиш ва лойиҳа ташаббускорлари билан биргаликда қувватлар-нинг белгиланган муддатларда ишга туширили-шини таъминлаш масалалари муҳокама этилди.

Бундан ташқари ишбилармонлик муҳитини шакллантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбир-корликни ривожлантириш, уларнинг туман иқти-содиётидаги улушини ошириш, имтиёزلарни кенг тушунтириш, мулоқот, семинарлар ўтказиш бўйича таъсирчан чоралар кўриш лозимлиги таъ-кидланди.

Йиғилишда аҳолида коммунал-مائий хизмат кўрсатишнинг замонавий механизмларини ва самарали тузилмаларни яратиш, кўп қаватли уй-жой фондларини бошқариш ишларини такомил-лаштириш борасида олиб борилаётган ишлар-ни қайтадан кўриб чиқиш, қасанчаликнинг тур-ли шакллари кенгайтириш ва оилавий тад-биркорликни ривожлантириш, шунингдек, қасб-хунар коллежлари ва академик лицейлар бити-рувчиларини ишга жойлаштириш каби долзарб масалаларга ҳам эътибор қаратилди.

Кун тартибидagi масалалар бўйича халқ де-путатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари Т.Назаров, А.Қосимов, Р.Ҳолилов, М.Абдуллаев, Б.Ахмеджанов, Иқтисодиёт бош бошқармаси бош-лиғи ўринбосари Ж.Сулаймонкулов, Шайхонто-хур тумани ҳокими ўринбосари К.Зоҳидов, Сер-гели тумани ҳокими ўринбосари Б.Шомуратов, Юнусобод тумани ҳокими ўринбосари Х.Ҳакимов ва бошқалар ўз фикр-мулоҳазаларини билдир-дилар.

Йиғилиш якунига кўра доимий комиссия то-монидан кун тартибидagi масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

ЁШЛАРНИНГ ХАЙРЛИ ТАШАББУСИ

Юртимизга кириб келган баҳор дилларни янада қувватди. Атроф-муҳит ям-яшил тусга кираётган, кўнгилларни хушнуд этаётган бир пайтда гўзал диёримизга қадимий ва ардоқли байрамимиз Наврўзи олам яқинлашмоқда.

Бу фусункор шодиёна Ҳамиша эзгулини улуғлаб, халқимиз дилига меҳнатсеварлик, бунёдкорлик, меҳр мурувват, ватанпарварлик, шукроналик, мўл ҳосил ва кут-барака тилаш каби ҳислатларни ўзида жо этиб келган.

Адоллат Наврўз ақаламасорота-бобиларини оло-лолаштиришга курашадиган қадимий ишларига алоҳида эътибор қаратишган. Албатта бу эзгу иш-ларни амалга оширишда халқимизга хос бўлган ҳашарнинг ўрни катта.

Юртимизга баҳор фасли кириб келиши муноса-бати билан «Камолот» ЕИХ Тошкент шаҳар Кенгаши ўсиб келаётган ёш авлод дилида ўтганларни эслаш ва уларнинг руҳларини шод айлаш туйғуларини шакллантириш мақсадида хайрли ишни амалга оширди. Миробод туманида жойлашган «Қўйлик ота», «Оқ уй», «Епиғлик ота», Юнусобод туманидаги «Қанлиғ ота», «Оқтепа» қабристонларида ҳамда Сергели туманидаги «Қўшқўрғон» маҳалласида то-залаш, ободонлаштириш бўйича кенг қамровли ҳашар ташкил этилди.

Ҳашарларда «Камолот» ЕИХ етакчилари ва аъзо-лари қатнашиб, ободонлаштириш ва оралашти-ишларида ўзларининг салмоқли ҳиссаларини қўшишди.

Бу каби хайрли ишлар бошқа туманларда ҳам яқдиллик билан амалга оширилмоқда.

Зиёда РАСУЛОВА

8 март — Халқаро хотин-қизлар куни арафасида ЎзА мухбирлари мамлакатимизда хотин-қизларга қаратилаётган эътибор, аёлларнинг жамиятимизда тутган ўрни ҳақида чет эллик мутахассислар, экспертлар ва сайёҳлар билан суҳбатлашди.

Манами МОРИСИМА, тилшунос (Япония):

— Бир неча йилдан буён турмуш ўртоғим билан Ўзбекистонда яшаймиз. Бу юртимиз фусункор табияти ва меҳридарё одамлари биз учун жуда қадрли бўлиб қолган.

Халқингизда хотин-қизларга ўзгача меҳр-эътибор, ҳурмат билан қаралиши менда катта таассурот қол-дирди. Фарзандлар онасини, эркаклар туруш ўрто-ғини рози қилишга интилади. Бундай эҳтиром оғушида яшаган аёллар, ал-батта, бахтли бўлади.

Пратибха КАНВАР, тадбиркор (Ҳиндистон):

— Тошкентга хизмат юзасидан тез-тез келиб тураман. Ўзбек миллий мато-лари Ҳиндистонда жуда қадрланади.

Давлатингиз томонидан аёлларни эъзозлаш, унинг оила ва жамиятдаги мавқеини юксалтириш, саломат-лигини мустаҳкамлаш, салоҳиятини юзага чиқаришга қаратилаётган эътиборга ҳавасим келди.

Виталий ТАБАРЧА, Молдованинг Синжерей ту-мани раиси ўринбосари:

— Ўзбекистонда ўзим учун кўплаб фойдали нарсалар-ни билиб олдим. Хусусан, Республика Хотин-қизлар кўми-таси раиси Бош вазир ўринбосари, жойлардаги хотин-қизлар кўмиталари раислари ҳоким ўринбосарлари ҳисоблангани менга жуда маъқул бўлди. Бу хотин-қиз-лар манфаати давлат сиёсати даражасига кўтарилгани-ни билдиради. Бундай тизим хотин-қизларнинг ҳаётий

муҳим эҳтиёжларини таъминлаш, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда яхши самара беради, деб ўйлайман.

Ўзбекистонда давлат бюджетининг салмоқли қисми ижтимоий соҳага йўналтирилмоқда. Оналик ва бола-лик муҳофазасига катта эътибор қаратилмоқда. Уйил-қизларга 12 йиллик бепул таълим кафолатланган. Бир сўз билан айтганда, мамлакатингизда ёш авлод тўлиқ давлат ҳимоясига олинган. Бу кўплаб давлатлиқ иб-

рат олса арзигулик тажрибадир.

Мария БОТАРЕЛЛИ, «Европа аёллар лоббиси» ташкилотининг Италиядаги бўлими бош қотиби:

— Ўзбекистонда хотин-қизлар ҳуқуқий, ижтимоий ва маънавий жиҳатдан кенг қўллаб-қувватланмоқда. Бу борада ўзини ўзи бошқаришнинг ноёб тизими — маҳалла институти муҳим аҳамият касб этмоқда. Ма-ҳалла манзилли ижтимоий ёрдам кўрсатиш ва оила-вий бизнесни ривожлантириш марказига айланмоқ-да, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, оилалари мустаҳкамлашга қўмақлашмоқда. Бундай ўзига хос тажрибани, шубҳасиз, ўрганиш ва бошқа мамлакат-ларда ҳам жорий этиш лозим.

ЭҲТИРОМ ОҒУШИДАГИ АЁЛ БАХТЛИ БЎЛАДИ

ХАТЛИК

ТЕЛЕДРАМА

Ўзбекистон

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.00 «Тирик сайёра». Х/ф.
7.30 Миллий сериал: «Калдир-гочлар яна кайтади».
8.00 «Тахлилнома».
8.40 «Тинч океан». Х/ф.
9.00 «Ўрган - дарё».
9.55 «Икким».
10.00 «Рухшунос». Т/с.
10.45 «Қушнинг амакининг қиссалари». М/с.
11.00 «Ахборот».
11.10 «Ватанпарвар».
11.55 «Икким».
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».

14.10 «Нуктаи назар».
14.50 «Баҳор наҳидаси».
15.00 «Мўжизавий дунё».
15.55 «ЎЗЕХ».
16.00 «Давр».
16.10 «Скарлетт». Т/с.
17.00 «Қамолот-инфо».
17.10 «Салом, Наврўз!».
17.30 «Никхо». Б/ф. 1-қисм.
18.50 «ЎЗЕХ».
19.00 «Давр».
19.30 «Қанияз Иззатура». Т/с.
20.20 «Ёшлик наволари».
20.40 «Эртанин болажонлар».
21.00 «Табиб». Т/с.
21.50 «Баҳор наҳидаси».
22.00 «Давр».
22.30 «Янги Шерлок Холмс». Т/с.
22.30 «Пазанда».

17.45 «Эртанин эгалари».
18.00 «Карвонсарой».
18.10 «Химия».
18.25 «Анонс».
18.30 «Пойтахт».
18.55 Миллий сериал: «Одамлар орасида». 29-қисм.
19.25 Тошкент тароналари.
19.40 «Теле-маркет».
19.55 «Уйларим».
20.00 «Пойтахт».
20.25 «Анонс».
20.30 «Менинг маҳаллам».
20.50 «Пойтахт йўлларида».
21.05 «Ибрат».
21.30 «Теле-маркет».
21.45 «Шаҳзоданинг қўшиғи». Т/с. 26-қисм.
22.30 «Пойтахт». /Рус тилида.
22.50 «Давид Коллерфилд». Х/ф. 1-қисм.
00.15 «Махфия».
00.20 Кўрсатувлар тартиби.
